



Тўрт нарса борки, мана шулар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда булардан бирортаси бўлса, уни ташламагунича унда мунофиқликнинг бир хислати бор бўлади: сўзласа ёлғон сўзлайди; аҳдлашса хиёнат қилади; ваъда берса хилоф қилади; тортишса фожирлик қилади

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Тўрт нарса борки, мана шулар кимда бўлса, аниқ мунофиқ бўлибди. Кимда булардан бирортаси бўлса, уни ташламагунича унда мунофиқликнинг бир хислати бор бўлади: сўзласа ёлғон сўзлайди; аҳдлашса хиёнат қилади; ваъда берса хилоф қилади; тортишса фожирлик қилади».

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўртта хислат ҳақида огоҳлантиридилар. Агар бу хислатлар бир мусулмонда йиғилса, у шу хислатлари сабаб мунофиққа жуда ўхшаб қолади. Бу эса ана шу сифатлар унда доимий ва кўп учраса шундай бўлади, агар баъзида камдан-кам содир бўлса, бу ҳукмга кирмайди. У хислатлар қуидагилар: 1. Гапирганда — қасдан ёлғон гапириши ва ростгўй бўлмаслиги. 2. Аҳд ва ваъда берса — унга вафо қилмаслиги, шеригини алдаб хиёнат қилиши. 3. Ваъда берса, бажармаслиги ва ваъдасини бузиши. 4. Бирор билан тортишиб, жанжал қилса, ҳақдан оғиб кетиши, уни рад этиш ва йўққа чиқариш учун турли ҳийла ишлатиши, ёлғон ва ботил гапларни айтиши. Мунофиқлик –ташқи кўринишида бир нарсани кўрсатиб, ичидан унга тескари бўлишдир. Ана шу маъно мазкур хислатлар эгасида мавжуд. Унинг мунофиқлиги одамлар билан муомалада, гапирганда, ваъда берганда, ишониб омонат топширилганда, тортишганда ёки аҳдлашганда кўринади. Бу Исломдаги мунофиқлик бобидан эмас, яъни ўзини мусулмон кўрсатиб, ичидан куфрни яшириш маъносида эмас. Лекин кимда бу хислатлардан бири бўлса, токи уни тарк қилгунга қадар, у киши мунофиқлик сифатидан бир сифатни ўз ичига олган бўлади.

النّجّات الخيريّة
ALNAJAT CHARITY

